



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 2 октябрь, № 206 (8549)


Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАРНИНГ ЙИРИК КОМПАНИЯЛАРИ РАЎБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан 1 октябрь куни давлат ташрифи билан Доҳа шаҳрига келди.



Шайх Ҳамад номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меймон шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбарини Қатар Бош вазири — ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдураҳмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Nebras Power" компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад ал-Ҳажрий, Қатар инвестициялар агентлиги директори Бандар бин Сауд Ол Соний, "Power International Holding" компанияси бошқаруви раиси Мутааз ал-Ҳаййат ва "Al Mirqab Capital" холдинг компанияси ижрочи директори Саиф ур-Раҳмон Хонни қабул қилди.

"Nebras Power" компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад ал-Ҳажрий билан учрашувда энергетика соҳасида, энг аввало, муқобил энергетикада янги лойиҳаларни илгари суриш

бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятида Қатар компанияси иштирокида буг-газ технологиялари асосида қуввати 1,6 ГВт бўлган замонавий электр станцияси қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бошланганини мамнуният билан қайд этди.

Сурхондарё вилоятида иссиқлик электр станциясини барпо этиш лойиҳаси доирасида тайёргарлик ишлари якунланмоқда.

Тошкент вилоятида 600 МВт қувватли энергия сақлаш тизимларини яратиш ҳамда Қорақалпоғистонда 1 ГВт қувватли шамол электр станциясини ишга тушириш бўйича қўшма режалар муҳокама қилинди.

Узоқ муддатли шериклик дастурини қабул қилиш, унга, энг аввало, "яшил" энергетикага доир истиқболли лойиҳаларни киритиш юзасидан келишувга эришилди.

Қатар инвестициялар агентлиги директори Бандар бин Сауд Ол Соний билан учрашувда агентликнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини мамлакатимиз ҳудудларида "яшил" энергетика объектлари — қуёш ва шамол станцияларини қуриш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, шу жумладан, замонавий авиатерминаллар барпо этиш ва бошқа инвестиция лойиҳаларига жалб қилиш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Илғор банк-молия хизматларини, шу жумладан, ислом молияси дастурлари доирасида ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун икки томонлама гуруҳ учрашувини яқин фурсатда ўтказишга келишиб олинди.

Агентлик саноат, инфратузилма, энергетика, кўчмас мулк, электрон технологиялар соҳаларида йирик лойиҳаларни илгари суришда катта

тажрибага эга глобал миқёсдаги етакчи инвестиция холдинглардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти "Power International Holding" компанияси бошқаруви раиси Мутааз ал-Ҳаййатни қабул қилди.

"Power International" — дунёнинг 19 та мамлакатда энергетика, нефть-кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш, туризм каби соҳаларда фаол иш олиб бораётган Қатарнинг энг йирик миллий холдинги. Яқин Шарқдаги етакчи кўп тармоқли компаниялардан биридир.

Бугун ушбу компания билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида келгусида минтақанинг энг катта агросаноат мажмуаси бўладиган замонавий чорвачилик кластери қурилади.

Мамлакатимизда юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган автомобиль магистрални барпо этиш, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш

ҳажмини ошириш, ишбилармонлик ва меҳмонхона инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш объектларини ташкил этиш истиқболли лойиҳалар сифатида қайд этилди.

Қатар томони тез орада холдинг Ўзбекистонда ўз офисини очишини маълум қилди.

"Al Mirqab Capital" холдинг компанияси ижрочи директори Саиф ур-Раҳмон Хон билан учрашувда меҳмонхона инфратузилмаси ва туризм хизматларини ривожлантириш, логистика ва энергетика тармоғини модернизация қилиш борасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, компания томонидан Тошкент вилоятида логистика маркази, Бухоро шаҳрида меҳмонхона-конгресс мажмуасини қуриш, мамлакатимизда электр ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга инвестиция киритиш режалари кўриб чиқилди.

Инвестиция лойиҳалари қўшма "Йўл харитаси" асосида амалга оширилади.

1983 йилда асос солинган "Al Mirqab Capital" холдинги АКШ, Европа ва Яқин Шарқда "Four Seasons", "The Ritz-Carlton" ва бошқа брендлардаги 20 та йирик меҳмонхона эгасидир. Компания активлари қиймати 8 миллиард доллардан зиёд ташкил этади.

Давлат ташрифи дастурига мувофиқ, 2 октябрь куни олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтади, етакчилар Ўзбекистон — Қатар муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон — Қатар:

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

1-2 октябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Амир шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Қатарда бўлиб турибди.

Биз ва жаҳон

Мамлакатимизга жорий йилнинг июнь ойида уюштирилган биринчи олий даражадаги ташриф дипломатия муносабатлари тарихида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигининг муҳим босқичи бўлди. У ўзаро ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очди, 1997 йил ноябрь ойида ўрнатилган ва ўтган даврда изчил ривожланиб бораётган икки томонлама муносабатларга сезиларли туртки берди.

Ташриф якунлари бўйича савдо-иқтисодий, сарможий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилган 15 та икки томонлама ҳужжат имзоланган қадимий Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Қатар саммити тутган муҳим ўрдан ҳамда томонларнинг ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга содиқ

эканлигидан далолат беради. Хусусан, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳамда даромад ва мулк солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, Божхона ишларида ўзаро кўмак кўрсатиш, Меҳнат муносабатлари соҳасида ҳамкорлик, Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш тўғрисидаги битимлар, Олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик, Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро меморандум, Савдо соҳасида ҳамкор-

лик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида ҳамкорлик, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида ҳамкорлик, Спорт ва ёшлар ишлари соҳасида ҳамкорлик, Тошкент ва Доҳа шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Шунингдек, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари ўртасида 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ҳамда устувор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшма платформа яратиш тўғрисида келишув имзоланди.



Дунё нигоҳи



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 28 — 30 сентябрь кунлари Германияга уюштирган амалий ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси Берлин шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашувида иштирок этди. "Марказий Осиё — Германия" форматдаги биринчи саммитда Ўзбекистон Президенти узоқ муддатли ҳамкорликнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Германия Президентларининг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида, шунингдек, Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси шафелигида ташкил этилган Иқтисодий форум ишида катнашди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, Марказий Осиё давлатлари ва Германия раҳбарларининг конструктив сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги музокаралари натижалари, расмий Тошкент томонидан илгари сурилган минтақаларо ўзаро боғлиқлик стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 30 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғи-

даги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг қирқ бешинчи ялпи мажлисида "Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.



